

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги

## ШАРТНОМА № 1

“25” январ 2022 йил

Хонка тумани

“Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошкармаси” нинг қуйида “Истемолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбарни К.С.Бабажанов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Хонка филиалининг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи бошлик Ж.Отабоев шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар хакида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» “Истемолчи”га нефтмаҳсулотларини “Истемолчи”нинг талабномада кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефтмаҳсулотларини нгтури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладанчораклар бўйича							
				I-чорак		II –чорак		III –чорак		IV-чорак	
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Автобензин АИ-91											
Дизел ёнилги ЭКО		11 616 058		7	81 312 406						

1.2. “Истемолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни кабул килиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва хажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминийумумий суммаси 81 312 406 сўмни ташкил килади. ККС 10 605 966 сум

### 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

1.3. Нефт маҳсулотлари “Истемолчи”га ўз автотранспортида, маҳсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. “Истемолчи” нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишида, нефть маҳсулотларини ташишда куйладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килишини хамда “Етказиб берувчи” га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий этирози ўйклигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган холатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2.“Истемолчи”да нефть маҳсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори хамда нефть маҳсулотларини ташиш учун маҳсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истемолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш оркали етказиб берилishi мумкин. Бундай холларда маҳсулотни топшириш ва кабул килиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истемолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. “Истемолчи”нинг маҳсус автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш коидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс холда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефть омборига киритилмайди.

2.3.Нефт маҳсулотлари “Истемолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва кабул килиш “Истемолчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истемолчи”нинг омборида “Истемолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни кабул килинганилиги тўғрисида товар-транспорт наклиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. Маҳсулотни топшириш ва кабул килиш бевосита “Истемолчи” вакилининг хошишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шаҳобчаси оркали етказиб берилса, бунинг учун “Истемолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёкилғи тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истемолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим килинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варакаси юритади. “Истемолчи” вакилига берилган маҳсулот микдори тарқатиш варакасига киритиб борилади. Тарқатиш варакасида “Истемолчи”нинг вакилининг маҳсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

2.5. Маҳсулот “Истемолчи”нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташиши кабул килинганилиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. Бундай холатларда маҳсулотни кабул килиш амалдаги “Нефт, газ кондензати ва нефть маҳсулотларини кабул килиш, саклаш, ташиш ва хисобини юритиш бўйича кўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотта зиён этиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбариитини бажарган санадан эътиборан «Истемолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобиль цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истемолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истемолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истемолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефт-газ тармоғининг молиявий баркарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4664-сонли қарорига асосан ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли хатига асосан бюджет ташкилотлари, паҳта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўзаликлари ва паҳта тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёкилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёкилғиси) ўтган чоракдаги биржага савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржага нархларида сотади. Автобензин Аи-80 нефт база МЧЖ томонидан товар хом ашё биржасидан сотиб олинган тикетларга устасма қўйилган холда етказиб беради.

2.10. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтий кайта ишиш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вактида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.11.“Истемолчи” томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг кабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги тараб ва меъёрлари тўлиқ амал килиниши таъминланади.

### 3. ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро хисоб-китоблар учун асос хисобланади. Хисоб-китоблар тўлов топширикнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истемолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун хакини олдиндан камидан 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг хисоб-рақамига хақ тўйлади.

3.3. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотларини “Истемолчи”га ўтган чоракдаги биржага савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржага нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари хамда устамасини кўшиб шаклланадиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъмонидан биржага савдолари оркали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиши билан боғлик темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирилиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъмонидан биржада савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлик темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги карорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устами нархлари ўзгартганда, ёхуд нархлар бошка объектив сабабларга кўра ўзгартдан шартноманинг умумий киймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар кўлланади ва бу хакида шартномага ўзгариши киритиш учун кўшимча келишув битими тузилиди.

#### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул килиб олиш қўйидагича амалга оширилади:

а) “Етказиб берувчи” нефт базасидан «Истеммолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чикиши қабул килиш хужжатларини ўрнатилга тартибда расмийлаштириш орқали;

б) “Истеммолчи” транзит орқали маҳсулотларни қабул килишда амалдаги миқдор ва сифат йўрикномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён этип хавфи “Етказиб берувчи” корхонаси худудидан чиккан вактдан бопла “Истеммолчи” га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдори ва сифати бўйича “Истеммолчи”, “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеммоли молларини миқдори ва сифати жихатдан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида”ги йўрикномага хамда бошка меъёрий хужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. “Истеммолчи” нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчада хужжатларда кайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеммолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукукига эга.

5.4. “Етказиб берувчи” “Истеммолчи” га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришада кафолатгайди. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул килишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосидан иш юритади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

Нефть маҳсулотларини хисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги конун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.2. “Истеммолчи” нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилганда тартибда жавоб беради.

6.3. “Истеммолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Етказиб берувчи” га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ кийматини ундириш хукукига эга.

6.4. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»га конунга биноан кўлланилади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги холатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий оғат, сувтошкани, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтникайтиа ишлап заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан ташкилотлар тартибда иктисадий судларида хал этилади. Ҳажми ва муддат ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вактичалик тўхтатиб кўйилганда Ўзбекистон Республикаси хукумати, Вазирлар Махкамаси ва бошка конунни белгиловчи ташкилотлар карорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган холларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

#### 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина хакиқи хисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар кандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўл билан хал этилади. Иккала томон мустакил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисадий судларида хал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўргасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеммолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий фазначилигидан рўйхатдан ўтади ва **2022** йил 31 декабрча амал киласи.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИЛЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Урганч нефт базаси» МЧЖ Ҳонка филиали  
Х/п: 2260400704268518701  
МФО: 00432 ИНН: 204589421  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
Тошкент ш. Яшнобод филиали  
Ҳонка туман Широк кучка 17 ўй  
тел: 39-91-308



«Истеммолчи»

Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш  
бошкармаси  
Манзили Тупроккалъа тумани  
ШХР 100010860332207042402170001  
Молия Вазирлиги ягона Газна хисоб вараги  
ИНН: 200208984 МФО 00014  
Газначилик х/р 23402000300100001010  
Тошкент ш. Марказий Банкнинг Тошкент ш.



Хукукий хуолоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни талабларига зид эмас.

юрисид!

С.Муоминов